

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD28.062018.К.72.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛМАТОВ ДИЛШОД СОТТОРЖОНОВИЧ

МАГНИЙ ПАЛЬМИТАТИ, ОЛЕАТИ ВА СТЕАРАТИНИНГ АМИДЛАР
БИЛАН КООРДИНАЦИОН БИРИКМАЛАРИ

02.00.01–Ноорганик кимё

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

УДК: 546.46;546.41;547.464;541.49

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Холматов Дилшод Сотторжонович Магний пальмитати, олеати ва стеаратининг амидлар билан координацион бирикмалари	3
Холматов Дилшод Сотторжонович Координационные соединения пальмитата, олеата и стеарата магния с амидами	21
Xolmatov Dilshod Coordination compounds of palmitate, oleate and stearate of magnesium with amides	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	43

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.062018.К.72.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛМАТОВ ДИЛШОД СОТТОРЖОНОВИЧ

МАГНИЙ ПАЛЬМИТАТИ, ОЛЕАТИ ВА СТЕАРАТИНИНГ АМИДЛАР
БИЛАН КООРДИНАЦИОН БИРИКМАЛАРИ

02.00.01 – Ноорганик кимё

КИМЁ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/К99 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Азизов Тохир Азизович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кадирова Шахноза Абдухалиловна
кимё фанлари доктори, доцент

Хусенов Қахрамон Шойимович
кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD28.062018.К.72.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил « ____ » _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро, М.Иқбол кўчаси 11. Тел.: (99865) 212-29-14; факс: (99865) 221-26-12, e-mail: bsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ ____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (+99865) 221-29-14; факс: (+99865) 221-26-12.

Диссертация автореферати 2019 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2019 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.Б. Умаров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
к.ф.д., профессор

Қ.Ғ. Авезов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, PhD

М.Р. Амонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун атиги 10 фоиз ер майдонининг яроқлилиги, экинга яроқли ер ва сув каби табиий ресурсларнинг қисқариши ва аҳоли сонининг тўхтовсиз ўсиб бориши натижасида ер ва сувга бўлган табиий эҳтиёж ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мавжуд экин майдонларининг ҳосилдорлигини ошириш, кам унумдор ерларнинг маҳсулдорлигини орттириш мақсадида арзон, маҳаллий хом-ашёлардан олинадиган, тупроқнинг таркиби, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳамда инсонларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатмайдиган стимуляторлар яратиш ва уларни қишлоқ хўжалигида қўллаш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаҳон миқёсида биостимуляторларни синтез қилишнинг оптимал усулларини излаб топиш, уларнинг таъсир механизмлари ва тадбиқ этиш шароитларини ўрганиш борасида куйидаги илмий ечимларни асослаш: қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш ва бу соҳада юқори самарадорликка эришиш ҳамда иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш; ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи ва ҳосилдорлигини оширувчи биологик фаол комплекс бирикмаларни синтез қилиш; ўсимликларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатадиган комплекс бирикмаларни синтез қилишнинг арзон, содда ва қулай усулларини амалиётга тадбиқ этиш; янги синтез қилинадиган комплекс бирикмаларни олишда маҳаллий хом-ашёлардан фойдаланиш зарур.

Республикада қишлоқ хўжалигида экиладиган пахта ўсимлигини етиштиришда сув ресурсини тежаш, унинг ҳосилдорлигини ошириш ҳамда пахтанинг очилиш муддатини қисқартириш ва шу орқали иқтисодиётимизнинг турли тармоқларининг эҳтиёжларини қондиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш»¹ муҳим вазифа қилиб белгиланган. Бу борада, мамлакатимизда етиштириладиган пахта, ғалла ва полиз экинларини етиштиришда ҳамда юқори ҳосилдорликка эришишда сув ва бошқа ресурсларни тежайдиган экологик тоза, сувни тежовчи, полифункционал таъсирга эга стимуляторларни синтез қилиш ва амалиётда қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони ва 2018 йил 6 августдаги ПҚ-3899-сон «Илмий ва инновацион фаолиятни интеграция қилиш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарорини ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё ва мамлакатимиз кимёгар олимлари томонидан металл карбоксилатларининг амидли комплексларига оид кўплаб илмий изланишлар олиб борилган. Улар томонидан бир қатор металлларнинг шу турдаги комплексларининг синтез усуллари ва шароитлари, физик-кимёвий хоссалари, тузилиши ҳамда амалий аҳамиятлари мукамал ўрганилган. Чет эллик олимлардан Сулаймонкулов К.С., Иманакунов Б.И., Харитонов Ю.А., Хамилтон В.С., Цинцадзе Г.В., Цивадзе А.Ю., Скопенко В.В., Рау Т.Ф., Савинкина Е.В., Stone M.E., Steward I.E., Uno T., Gentile P.S ва бошқаларнинг бу соҳада олиб борган ишлари анча салмоқли ўрин тутди.

Республикада ҳам координацион бирикмалар кимёсининг ривожланиши, металлларнинг карбоксилатлар билан органик лигандли комплекс бирикмаларини синтез қилиш ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўллаш борасида Парпиев Н.А., Ходжаев О.Ф., Шарипов Х.Т., Шарипов Х.Х., Шабилалов О.И., Юнусходжаев А.Н., Набиев М.Н., Тураев Х.Т., Азизов Т.А., Азизов М.А., Насимов Х.М., Дусматов А.Ф., Ибрагимов Б.Т., Умаров Б.Б., Кадирова Ш.К., Кадирова З.Ч. ва бошқа бир қатор етакчи олимларимизнинг тадқиқотлари алоҳида эътиборга моликдир.

Бугунги кунда кам харажат, содда ва қулай усул ҳисобланган механокимёвий синтез асосида кимёвий бирикмалар олишнинг шарт-шароитлари ҳақидаги назарий ва амалий маълумотлар тобора кўпайиб бормоқда. Бу соҳанинг ривожланишига Stuart L., Robert E.D., Vjekoslav S., Mirjana E., Tomislav F., Ivan H., Hao Wu., Туманов И.А каби олимларнинг қўшаётган ҳиссалари анча салмоқлидир.

Турли хил лигандларнинг металллар тузлари билан эритмалар ва қаттиқ фазаларда комплекслар ҳосил қилиши, тузилиши, реакцион қобилятлари, физик хоссалари ва қўлланиш соҳалари ўрганилган ҳамда кўплаб илмий адабиётларда ёритилган. Лекин, s-элементлар оиласига кирувчи магний металининг пальмитин, олеин ва стеарин кислоталар анионлари билан ҳосил қилган тузларининг амидли комплекс бирикмалари ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА–Ф7–Т168 «Полифункционал таъсирли қатор металлларнинг янги координацион бирикмаларини синтези, тузилишини, кристалл ва электрон структураларини, реакцион қобилиятларини, кимёвий ва биологик хоссаларини илмий асосларини қайд қилиниши» (2012–2016 й.й) ҳамда ФА–Ф7-012 “Полифункционал таъсирли янги аралаш лигандли координацион бирикмаларнинг синтези, тузилиши, реакцион қобилиятлари ва биологик хоссаларининг илмий асослари” (2017–2020 й.й) фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади магний пальмитати, олеати ва стеаратининг айрим амидлар билан комплекс бирикмаларини синтез қилиш ҳамда уларнинг таркиби, индивидуаллиги, термик барқарорлиги, координацион боғланиш усуллари, тузилиши ва хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

магний пальмитати, олеати ва стеаратининг формаид, ацетамид, карбамид, тиокарбамид, никотинамид ва нитрокарбамид билан бир турли ҳамда аралаш лигандли комплекс бирикмаларини синтез қилиш;

синтез қилинган координацион бирикмаларнинг таркиби ва тузилишини физик-кимёвий усуллар ёрдамида таҳлил қилиш;

олинган бирикмаларнинг электрон структураси, геометрик конфигурацияси ва реакция қобилиятларини квант-кимёвий усул ёрдамида таҳлил қилиш;

янги синтез қилинган комплекс бирикмаларни биологик фаоллигини аниқлаш мақсадида стимулятор сифатида қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти магний пальмитати, магний олеати, магний стеарати, формаид, ацетамид, карбамид, тиокарбамид, нитрокарбамид ва никотинамидлардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети янги координацион бирикмаларнинг таркиби, индивидуаллиги, координацияланиш услублари, термик барқарорлиги, тузилиши, реакцион қобилиятлари ва биологик фаоллигини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Элемент анализ, кукунли рентген дифрактометрияси, масс-спектрометрия, ИҚ спектроскопия, дифференциал термик анализ, квант-кимёвий ҳисоблашлар ва агрокимёвий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

магний пальмитати, олеати ва стеаратининг формаид, ацетамид, карбамид, тиокарбамид, нитрокарбамид ва никотинамидлар билан янги 38 та комплекс бирикмалари синтез қилинган ҳамда уларнинг таркиби ва индивидуаллиги исботланган;

синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг айрим физик хоссалари ҳамда улар таркибидаги фрагментларнинг термик барқарорлиги дифференциал термик анализ ёрдамида аниқланган;

магний карбоксилатларининг амидлар билан хосил қилган комплекс бирикмалари таркибидаги марказий атомга лигандларнинг координацион боғланиш усуллари ва боғ табиатлари исботланган;

олинган комплекс бирикмаларнинг хосил бўлиш энергиялари, геометрик конфигурацияси, атомларнинг боғ узунликлари ҳамда энергиялари ва атомлараро бурчаклар квант-кимёвий ҳисоблашлар орқали аниқланган;

қишлоқ хўжалигида етиштириладиган ўсимликларни ўстирувчи ва хосилдорлигини оширувчи стимуляторлар синтез қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

механокимёвий усул ёрдамида комплекс бирикмалар хосил қилишнинг оддий ва қулай синтез шароитлари аниқланган;

Республика қишлоқ хўжалигида қўллаш мақсадида Давлат Кимё Комиссияси критерийлари асосида кейинчалик ўрганилиши назарда тутилган юқори самарали, хавфсиз стимуляторлар яратилган;

магний металининг айрим карбон кислоталар ва бир қатор амидлар билан хосил қилган комплекс бирикмаларининг физик–кимёвий таҳлиллари асосида олинган натижалардан маълумотнома сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган комплекс бирикмаларнинг таркиби, тузилиши ва хоссалари элемент ва кукунли рентген дифрактометрия анализлари, масс-спектрометрия ҳамда ИҚ спектроскопия натижалари, дифференциал термик таҳлил ва квант-кимёвий ҳисоблашлар асосида олинган натижалар билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти магний метали тузларининг айрим амидлар билан бир турли ва аралаш лигандли комплекс бирикмаларининг синтез қилиш шароитлари ва усуллари, индивидуаллиги, айрим физик хоссалари, термик барқарорлиги ҳамда уларнинг координацияланиш услублари ва тузилишлари аниқланганлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пахта учун кам захарли, юқори хосилдорликни таъминловчи стимулятор хоссага эга $Mg(R^3COO)_2 \cdot 2L^4 \cdot 2H_2O$ таркибли комплекс бирикма таклиф этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Магний пальмитати, олеати ва стеаратининг бир турли ва аралаш амидли комплекс бирикмаларининг синтези, тузилиши ва қўлланилиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

синтез қилинган комплекс бирикмалар ОТ-Ф7-48 рақамли «Иммобиланишни назарий асослари ва атроф муҳит объектларда приоритет ифлосланувчиларни тестлашда ва аниқлашда иммобилланган реагентларни қўллаш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада қиёсий таққословчи реагент сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг

2018 йил 3 октябрдаги 4/1255–2613 сон маълумотнома). Натижада координацион бирикмаларни толали сорбентларга иммобиллаш орқали оғир заҳарли металл ионлари билан комплексларининг ИҚ спектроскопияси, металл атомининг реагент функционал гуруҳи билан координация ҳосил қилиш усули, модификациялаш йўллари ва физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш имконини берган;

биологик фаол $Mg(R^3COO)_2 \cdot 2L^4 \cdot 2H_2O$ таркибли стимулятор Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигида “2020–2021 йилларда амалиётга жорий этиш режаси”га киритилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 4 декабрдаги 01/023–440–сон маълумотномаси). Стимулятор билан ишлов берилган чигитларнинг униб чиқиш муддати 3–5 кунга, пахтанинг очилиш муддати 7–10 кунга қисқарган ва ҳосилдорликни 1,1 баробарга ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 16 та, жумладан, 6 та ҳалқаро ва 10 та республика миқёсидаги илмий–амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жамми 22 та илмий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола республика ва 3 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Металл тузларининг органик лигандлар билан координацион бирикмалари тадқиқотининг ҳолати ҳақида”** деб номланган биринчи бобида металллар тузларининг амидли ва гетероциклик лигандлар билан ҳосил қилган комплекс бирикмалари ҳамда карбон ва дикарбон кислоталар тузларининг координацион бирикмаларининг тузилишига оид адабиёт маълумотлари ёритилган. Шу билан бирга, ушбу бобда металл карбоксилатлари асосидаги полимер комплекс бирикмаларнинг таҳлили, таркибида олтингугурт тутган лигандларнинг металл тузлари билан ҳосил қилган комплекс бирикмаларининг тузилиши ҳамда комплекс бирикмалар синтезида механохимёвий усулнинг ўрни ва аҳамиятини


ёритувчи илмий адабиётлар маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг “Магний пальмитати, олеати ва стеаратининг амидлар билан координацион бирикмаларини олиш” деб номланган иккинчи бобда синтез учун танланган реактивлар ҳамда комплекс бирикмаларнинг физик–кимёвий таҳлил усуллари олиб борилган шароит ва ускуналар ҳақида маълумотлар берилган. Шу билан бирга, ушбу бобда магний пальмитати, олеати ва стеаратининг амидли комплекс бирикмаларининг синтези, синтез қилинган бирикмаларнинг элемент анализлари ва айрим физик хоссалари ёритилган.

Магний пальмитати, олеати ва стеаратининг амидли комплекс бирикмалари механохимёвий усулда синтез қилинган. Синтез учун магнийнинг карбон кислотали тузи бир турли амидлар билан 1:2, аралаш амидлар билан эса 1:1:1 моль нисбатларда олинган.

$Mg(R^1COO)_2 \cdot 2L^1 \cdot 3H_2O$ таркибли комплекс бирикма 0,5892 г (0,001 моль) магний пальмитат тригидрат тузи билан 0,0901 г (0,002 моль) формаидни 100 мл ли шарли тегирмонда, хона ҳароратида 30 минут давомида юқори интенсивликда аралаштириш (механохимё) усули орқали синтез қилинди.


Магний пальмитатининг бошқа барча $Mg(R^1COO)_2 \cdot 2L^2 \cdot 3H_2O$, $Mg(R^1COO)_2 \cdot 2L^3 \cdot 3H_2O$, $Mg(R^1COO)_2 \cdot 2L^4 \cdot 3H_2O$, $Mg(R^1COO)_2 \cdot 2L^5$, $Mg(R^1COO)_2 \cdot 2L^6 \cdot 3H_2O$ таркибли бир турли комплекслар бирикмалари шу усулда синтез қилинди.



$R^1=C_{15}H_{31}$; $x=2, 3$; L^1 =формаид; L^2 =ацетаид; L^3 =карбаид;
 L^4 =тиокарбаид; L^5 =нитрокарбаид; L^6 =никотинаид.

$Mg(R^2COO)_2 \cdot 2L^1 \cdot H_2O$ таркибли комплекс бирикма 0,6052 г (0,001 моль) магний олеатининг моногидрат тузи билан 0,0901 г (0,002 моль) формаидни 100 мл ли шарли тегирмонда, хона ҳароратида 39 минут давомида юқори интенсивликда аралаштириш (механохимё) усули орқали синтез қилинди.


Магний олеатининг бошқа $Mg(R^2COO)_2 \cdot 4L^1 \cdot 2H_2O$, $Mg(R^2COO)_2 \cdot 2L^2 \cdot H_2O$, $Mg(R^2COO)_2 \cdot 2L^3 \cdot 0,5H_2O$, $Mg(R^2COO)_2 \cdot 2L^4 \cdot H_2O$, $Mg(R^2COO)_2 \cdot 2L^5$, $Mg(R^2COO)_2 \cdot 4L^5$, $Mg(R^2COO)_2 \cdot 2L^6 \cdot 0,5H_2O$ таркибли бир турли комплекслар бирикмалари ҳам шу усулда синтез қилинди.



$R^2=C_{17}H_{33}$; $x=0,5; 1; 2; 4$; L^1 =формаид; L^2 =ацетаид; L^3 =карбаид;
 L^4 =тиокарбаид; L^5 =нитрокарбаид; L^6 =никотинаид.

$Mg(R^3COO)_2 \cdot 2L^2 \cdot 4H_2O$ таркибли комплекс бирикма 0,6273 г (0,001 моль) магний стеаратининг дигидрат тузи билан 0,1181 г (0,002 моль) ацетамидни 100 мл ли шарли тегирмонда, хона ҳароратида 33 минут давомида юқори интенсивликда аралаштириш (механокиме) усули орқали синтез қилинди.


Магний стеаратининг бошқа барча $Mg(R^3COO)_2 \cdot 2L^1 \cdot 3H_2O$, $Mg(R^3COO)_2 \cdot 2L^3 \cdot 3H_2O$, $Mg(R^3COO)_2 \cdot 2L^4 \cdot 2H_2O$, $Mg(R^3COO)_2 \cdot 2L^5 \cdot 3H_2O$, $Mg(R^3COO)_2 \cdot 2L^6 \cdot 2,5H_2O$ таркибли бир турли амидли комплекслар бирикмалари ҳам шу усулда синтез қилинди.



$R^3=C_{17}H_{35}$; $x=2; 2,5; 3$; L^1 =формаид; L^2 =ацетамид; L^3 =карбаид;
 L^4 =тиокарбаид; L^5 =нитрокарбаид; L^6 =никотинаид.

$Mg(R^1COO)_2 \cdot L^2 \cdot L^3 \cdot 3H_2O$ таркибли комплекс бирикма 0,5892 г (0,001 моль) магний пальмитатининг тригидрат тузи билан 0,0591 г (0,001 моль) ацетамид ҳамда 0,0601 г (0,001 моль) карбаидни 100 мл ли шарли тегирмонда, хона ҳароратида 0,5 соат давомида юқори интенсивликда аралаштириш (механокиме) усули орқали синтез қилинди.


Магний пальмитатининг бошқа барча $Mg(R^1COO)_2 \cdot L^2 \cdot L^4 \cdot 3H_2O$, $Mg(R^1COO)_2 \cdot L^2 \cdot L^6 \cdot 3H_2O$, $Mg(R^1COO)_2 \cdot L^3 \cdot L^4 \cdot 2H_2O$, $Mg(R^1COO)_2 \cdot L^3 \cdot L^6 \cdot 3H_2O$, $Mg(R^1COO)_2 \cdot L^4 \cdot L^6$ таркибли аралаш амидли комплекслар бирикмалари ҳам шу усулда синтез қилинди.



$R^1=C_{15}H_{31}$; $n=2; 3; 4; 6$; $m=2; 3; 4; 6$; $x=2; 3$;
 L^2 -ацетамид; L^3 -карбаид; L^4 -тиокарбаид; L^6 -никотинаид.

$Mg(R^2COO)_2 \cdot L^2 \cdot L^3 \cdot 1,5H_2O$ таркибли комплекс бирикма 0,6052 г (0,001 моль) магний олеатининг моногидрат тузи билан 0,0591 г (0,001 моль) ацетамид ҳамда 0,0601 г (0,001 моль) карбаидни 100 мл ли шарли тегирмонда, хона ҳароратида 36 минут давомида юқори интенсивликда аралаштириш (механокиме) усули орқали синтез қилинди.



Магний олеатининг қолган барча $Mg(R^2COO)_2 \cdot L^2 \cdot L^4 \cdot H_2O$, $Mg(R^2COO)_2 \cdot L^2 \cdot L^6 \cdot H_2O$, $Mg(R^2COO)_2 \cdot L^3 \cdot L^4 \cdot H_2O$, $Mg(R^2COO)_2 \cdot L^3 \cdot L^6 \cdot H_2O$, $Mg(R^2COO)_2 \cdot L^4 \cdot L^6 \cdot H_2O$ таркибли аралаш амидли комплекслар бирикмалари ҳам шу тарзда синтез қилинди.



L^2 -ацетамид; L^3 -карбамид; L^4 -тиокарбамид; L^6 -никотинамид.

$\text{Mg}(\text{R}^3\text{COO})_2 \cdot \text{L}^2 \cdot \text{L}^3 \cdot 3\text{H}_2\text{O}$ таркибли комплекс бирикма 0,6273 г (0,001 моль) магний стеаратининг дигидрат тузи билан 0,0591 г (0,001 моль) ацетамид ҳамда 0,0601 г (0,001 моль) карбамидни 100 мл ли шарли тегирмонда, хона ҳароратида 30 минут давомида юқори интенсивликда аралаштириш (механокиме) усули орқали синтез қилинди.


Магний стеаратининг бошқа барча $\text{Mg}(\text{R}^3\text{COO})_2 \cdot \text{L}^2 \cdot \text{L}^4 \cdot 3\text{H}_2\text{O}$, $\text{Mg}(\text{R}^3\text{COO})_2 \cdot \text{L}^2 \cdot \text{L}^6 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$, $\text{Mg}(\text{R}^3\text{COO})_2 \cdot \text{L}^3 \cdot \text{L}^4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$, $\text{Mg}(\text{R}^3\text{COO})_2 \cdot \text{L}^3 \cdot \text{L}^6 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$, $\text{Mg}(\text{R}^3\text{COO})_2 \cdot \text{L}^4 \cdot \text{L}^6$ таркибли аралаш амидли комплекслар бирикмалари ҳам худди шу тарзда синтез қилинди.



L^2 -ацетамид; L^3 -карбамид; L^4 -тиокарбамид; L^6 -никотинамид.

Диссертациянинг учинчи бобининг “Магний пальмитати, олеати ва стеаратининг амидлар билан координацион бирикмаларининг рентгенофазавий таҳлили” номли биринчи қисмида формамид, ацетамид, карбамид, тиокарбамид, нитрокарбамид, никотинамид ҳамда магний пальмитати, олеати ва стеаратлари ва ушбу моддалар билан синтез қилинган бир турли ҳамда аралаш лигандли комплекс бирикмаларнинг рентгенофазавий таҳлил натижалари ўрганилган. (1-расм).

Куқунли рентген дифрактометрия усулида олинган рентгенограммалар синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг дастлабки моддалардан ҳамда ўзаро бир-биридан нисбий сезгирликлари ва текисликлари орасидаги масофаларнинг фарқлари билан алоҳида индивидуал кристалл моддалар эканлигини исботланган.



1-расм. Рентгенограмма: 1) $\text{Mg}(\text{R}^1\text{COO})_2 \cdot \text{L}^3 \cdot \text{L}^6 \cdot 3\text{H}_2\text{O}$; 2) L^6 ; 3) L^3 ; 4) $\text{Mg}(\text{R}^1\text{COO})_2 \cdot 3\text{H}_2\text{O}$

Диссертациянинг учинчи бобининг “Магний пальмитати, олеати ва стеаратининг бир турли амидли комплекс бирикмаларининг ИҚ спектроскопияси” ҳамда “Магний пальмитати, олеати ва стеаратининг аралаш амидли комплекс бирикмаларининг ИҚ спектроскопияси” номли иккинчи ва учинчи қисмларида магний металининг пальмитатли, олеатли ва стеаратли тузларининг ўзида донор атом тутган амид молекулалари билан ҳосил қилган комплексларининг ИҚ спектрлари олинган (1- ва 2-жадваллар).

Олинган ИҚ спектрдаги частоталарнинг қийматлари шуни кўрсатадики, магний карбоксилатларининг бир турли комплекс бирикмаларида формамид, ацетамид, карбамид ва нитрокарбамид молекулалари таркибидаги $\text{C}=\text{O}$ боғнинг валент тебранишлари частоталари мос равишда $6\text{-}31\text{ см}^{-1}$, $9\text{-}63\text{ см}^{-1}$, $9\text{-}26\text{ см}^{-1}$ ва $25\text{-}53\text{ см}^{-1}$ га камайган, $\text{C}-\text{N}$ гуруҳининг валент тебранишлар частоталари $3\text{-}68\text{ см}^{-1}$, $21\text{-}37\text{ см}^{-1}$, $11\text{-}21\text{ см}^{-1}$ ва $7\text{-}36\text{ см}^{-1}$ га ортган ва бу лигандларнинг марказий атом билан карбонил гуруҳидаги электродонор кислород атоми орқали координацион боғланганлигини исботлайди.

Комплекс бирикмаларда тиокарбамид молекуласи координацияга учраганда $\text{C}-\text{S}$ гуруҳининг куйи частотали валент тебранишлари $8\text{-}21\text{ см}^{-1}$ га камайган. Валент тебранишлар частоталаридаги бу ўзгаришларга асосланиб тиокарбамид молекуласи марказий ион билан олтингугурт атоми орқали боғланганлиги аниқланган.

Никотинамид молекуласидаги пиридин ҳалқасининг валент тебраниши 1585 см^{-1} соҳада кузатилади. Синтез қилинган комплекс бирикмалар ИҚ спектрларида бу валент тебранишлар сонининг ортганлиги намоён бўлган. Бу эса, синтез қилинган комплекс бирикмалардаги никотинамид молекуласи марказий атом билан пиридин ҳалқадаги азот атоми орқали координацион

боғланганлигини кўрсатади.

1-жадвал

Амидлар эркин молекулаларининг ва уларнинг магний пальмитати, олеати ҳамда стеаратлари билан бир турли комплекс бирикмаларининг ИҚ ютилишидаги характерли частоталари (см⁻¹)

№	Бирикмалар	$\nu(\text{CO})$, см ⁻¹	$\nu(\text{CN})$, см ⁻¹	$\nu(\text{CS})$, см ⁻¹	$\delta(\text{CS})$, см ⁻¹	ν_{K} , см ⁻¹	ν_{K^+} (CCN), см ⁻¹	$\delta(\text{CO})^+$ $\delta(\text{CCN})$, см ⁻¹	H ₂ O, см ⁻¹
1	L ¹	1698	1306						
2	L ²	1674	1394						
3	L ³	1682	1450						
4	L ⁴			739	640				
5	L ⁵	1708	1456						
6	L ⁶					1585	1035	700	
7	Mg(R ¹ COO) ₂ ·2L ¹ ·3H ₂ O	1685	1374						3305
8	Mg(R ² COO) ₂ ·2L ¹ ·H ₂ O	1692	1320						3271, 3381
9	Mg(R ² COO) ₂ ·4L ¹ ·2H ₂ O	1687	1339						3322, 3379
10	Mg(R ³ COO) ₂ ·2L ¹ ·3H ₂ O	1687	1309						3422
11	Mg(R ¹ COO) ₂ ·2L ² ·3H ₂ O	1665	1431						3338, 3406
12	Mg(R ² COO) ₂ ·2L ² ·H ₂ O	1611	1415						3411
13	Mg(R ³ COO) ₂ ·2L ² ·4H ₂ O	1665	1415						3272, 3389, 3446
14	Mg(R ¹ COO) ₂ ·2L ³ ·3H ₂ O	1671	1471						3333, 3423
15	Mg(R ² COO) ₂ ·2L ³ ·0,5H ₂ O	1664	1461						3441
16	Mg(R ³ COO) ₂ ·2L ³ ·3H ₂ O	1656	1471						3227, 3350, 3413
17	Mg(R ¹ COO) ₂ ·2L ⁴ ·3H ₂ O			718	632				3289, 3381
18	Mg(R ² COO) ₂ ·2L ⁴ ·H ₂ O			729	632				3382
19	Mg(R ³ COO) ₂ ·2L ⁴ ·2H ₂ O			729	632				3221, 3254
20	Mg(R ¹ COO) ₂ ·2L ⁵	1680	1492						
21	Mg(R ² COO) ₂ ·2L ⁵	1671	1463						
22	Mg(R ² COO) ₂ ·4L ⁵	1683	1464						
23	Mg(R ³ COO) ₂ ·2L ⁵ ·3H ₂ O	1655	1470						3227, 3415
24	Mg(R ¹ COO) ₂ ·2L ⁶ ·3H ₂ O					1617	1109, 1029	718, 624	3165, 3366
25	Mg(R ² COO) ₂ ·2L ⁶ ·0,5H ₂ O					1617	1124, 1029	703, 624	3368
26	Mg(R ³ COO) ₂ ·2L ⁶ ·2,5H ₂ O					1619	1108, 1014	718, 632	3277, 3383

2-жадвал

Амидлар эркин молекулаларининг ва уларнинг магний пальмитати, олеати ҳамда стеаратлари билан аралаш комплекс бирикмаларининг ИҚ ютилишидаги характерли частоталари (см⁻¹)

№	Бирикмалар	L ²		L ³		L ⁴		L ⁶			H ₂ O, см ⁻¹
		ν(CO), см ⁻¹	ν(CN), см ⁻¹	ν(CO), см ⁻¹	ν(CN), см ⁻¹	ν(CS), см ⁻¹	δ(CS), см ⁻¹	ν _K , см ⁻¹	ν _K + (CCN), см ⁻¹	δ(CO)+ δ(CCN), см ⁻¹	
1	Mg(R ¹ COO) ₂ ·L ² ·L ³ ·3H ₂ O	1628	1414	1667	1471						3350, 3430
2	Mg(R ¹ COO) ₂ ·L ² ·L ⁴ ·3H ₂ O	1664	1429			718	626				3318, 3397, 3395
3	Mg(R ¹ COO) ₂ ·L ² ·L ⁶ ·H ₂ O	1665	1413					1624	1109, 1029	718	3310, 3386
4	Mg(R ¹ COO) ₂ ·L ³ ·L ⁴ ·2H ₂ O			1675	1470	718	632				3308, 3385
5	Mg(R ¹ COO) ₂ ·L ³ ·L ⁶ ·3H ₂ O			1674	1471			1627	1109, 1030	718	3304, 3380
6	Mg(R ¹ COO) ₂ ·L ⁴ ·L ⁶					718	627	1633	1109, 1030	718	
7	Mg(R ² COO) ₂ ·L ² ·L ³ ·H ₂ O	1619	1455	1667	1455						3210, 3431
8	Mg(R ² COO) ₂ ·L ² ·L ⁴ ·H ₂ O	1666	1413			729	633				3370
9	Mg(R ² COO) ₂ ·L ² ·L ⁶ ·H ₂ O	1614	1423					1613	1119, 1029	722	3377
10	Mg(R ² COO) ₂ ·L ³ ·L ⁴ ·H ₂ O			1664	1464	729	632				3277, 3379
11	Mg(R ² COO) ₂ ·L ³ ·L ⁶ ·H ₂ O			1676	1469			1593	1041, 1026	716	3367, 3438
12	Mg(R ² COO) ₂ ·L ⁴ ·L ⁶ ·H ₂ O					729	628	1614	1040, 1031	729	3277, 3377
13	Mg(R ³ COO) ₂ ·L ² ·L ³ ·3H ₂ O	1634	1414	1666	1472						3261, 3369, 3429
14	Mg(R ³ COO) ₂ ·L ² ·L ⁴ ·3H ₂ O	1664	1414			724	622				3193, 3305, 3372
15	Mg(R ³ COO) ₂ ·L ² ·L ⁶ ·2H ₂ O	1639	1414					1592	1114, 1029	724	3269, 3367, 3445
16	Mg(R ³ COO) ₂ ·L ³ ·L ⁴ ·2H ₂ O			1653	1471	718	630				3193, 3380
17	Mg(R ³ COO) ₂ ·L ³ ·L ⁶ ·2H ₂ O			1676	1471			1631	1041, 1026	718	3175, 3325, 3434
18	Mg(R ³ COO) ₂ ·L ⁴ ·L ⁶					718	626	1626	1109, 1030	718	


Магний карбоксилатларининг аралаш амидли комплекс бирикмаларининг ИҚ спектроскопик анализлари натижаларида ацетамид ва карбамид молекулаларининг таркибидаги С=О боғнинг валент тебранишлар частоталари мос равишда 8-60 см⁻¹ ва 6-29 см⁻¹ га камайган, С-N гуруҳининг

валент тебранишлар частоталари $19-61\text{ см}^{-1}$ ва $5-22\text{ см}^{-1}$ га ортганлиги кузатилган. Бу эса, ушбу лигандларнинг марказий атом билан карбонил гуруҳидаги кислород атоми билан координацион боғланганлигини исботлайди.

Таркибида тиокарбамид молекуласи бўлган аралаш амидли комплекс бирикмаларнинг ИҚ спектрларида C–S гуруҳининг валент тебранишлар частоталарининг $7-21\text{ см}^{-1}$ га камайганлиги координацияланиш марказий ион билан олтингугурт атоми орқали амалга ошганлигини кўрсатади.

Аралаш амидли комплекс бирикмалар таркибидаги никотинамид молекуласи пиридин ҳалқасининг валент тебраниш частотаси 1585 см^{-1} соҳада кузатилади. Синтез қилинган комплекс бирикмаларда ушбу валент тебранишлар сонининг қийматлари ортганлиги кузатилган. Бу эса, комплекс бирикмалардаги никотинамид молекуласи марказий атом билан пиридин ҳалқадаси азот атоми орқали координацияланганлигини билдиради.

Диссертациянинг учинчи бобининг тўртинчи **“Магний пальмитати, олеати ва стеаратининг амидли комплекс бирикмаларининг масс–спектрометриқ таҳлили”** қисмида магний пальмитати, олеати ва стеаратларининг бир қатор амидлар (формаид, ацетаид, карбаид, тиокарбаид, нитрокарбаид ва никотинаид) билан хосил қилган янги комплекс бирикмаларининг масс–спектрометрия таҳлили натижалари келтирилган.



2-расм. $\text{Mg}(\text{R}^1\text{COO})_2 \cdot 2\text{L}^4 \cdot 3\text{H}_2\text{O}$ ($M=740$) нинг масс-спектрометриқ таҳлили

Синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг масс-спектрометрия усули натижалари шуни кўрсатадики, ўрганилган ҳар бир янги бирикманинг молекуляр ион массалари таклиф этилаётган координацион бирикмаларнинг таркиби асосида назарий ҳисобланган нисбий молекуляр массалари қийматларига мос келади. Бу эса, механохимёвий усулда олиб борилган синтез шароитида ҳақиқатдан ҳам янги комплекс бирикмалар олинганлигини исботлайди.

Диссертациянинг учинчи бобининг бешинчи қисми **“Магний пальмитати, олеати ва стеаратининг амидли комплекс бирикмаларининг термик таҳлили”** деб номланиб, ушбу қисмда синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг дериватографик термик анализ натижалари ва


улардан келиб чиқадиган хулосалар изоҳланган.

Термик таҳлил натижалари асосида комплекс бирикмаларнинг термик хусусиятлари, оралиқ маҳсулотларнинг парчаланиш ҳароратлари диапазонлари, ҳароратнинг кўтарилишига мос равишда массанинг камайиши, ДТА эгри чизиғида акс этган эндо- ҳамда экзотермик эффектларнинг қайд этилиши тушунтирилган. Комплекс бирикмаларнинг термик барқарорлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, ҳароратнинг кўтарилиб бориши натижасида дастлаб 80-140°C оралиғидаги эндотермик эффектларда водород боғлари орқали боғланган сув молекулаларининг бирикма таркибидан тўлиқ буғланиб чиқиб кетади. Эндо- ва экзотермик эффектлар қайд этилган 150-200°C ҳароратлар оралиғида комплекс бирикма таркибидаги формаид ва ацетаид молекулаларининг суюқланиши, ёниши ва бирикма таркибидан чиқиб кетиши кузатилди.


Комплекс бирикмалар таркибидаги карбамид, тиокарбамид ва нитрокарбамид молекулалари 200-250°C ҳарорат оралиғидаги эндотермик ҳамда экзотермик эффектлар билан изоҳланадиган ёниш, суюқланиш ва босқичма–босқич парчаланиши натижасида чиқиб кетади.

Дериватографик таҳлил анализлари никотинаид молекуласининг 300°C ҳарорат атрофида комплекс бирикма таркибидан босқичма-босқич парчаланишини кўрсатди.

Комплекс бирикма таркибидаги металл карбоксилатларининг парчаланиши эса ҳароратнинг 400°C дан ортганда юз бериши аниқланди.



3-расм. Дериватограмма:
Mg(R³COO)₂·2L⁶·2,5H₂O




4-расм. Дериватограмма:
Mg(R¹COO)₂·L²·L⁴·3H₂O

Бундан ташқари, дериватографик термик таҳлил натижалари асосида олинган маълумотлар ҳарорат ошиб бориши билан бирга турли хил физик-кимёвий жараёнлар юз беришини бу эса, бир нечта экзо- ва эндотермик эффектлар кузатилганини кўрсатди. Эндотермик эффектлар комплекс бирикма таркибидаги оралиқ маҳсулотларнинг суюқланиши, буғланиши, диссоцияланиши, оксидланиши ва айрим структураларнинг ўзгариши билан изоҳланади. Экзотермик эффектлар эса, комплекс бирикма таркибидаги молекулаларнинг парчаланиши, ёниши, кристалл структураларнинг

бузилиши ва қаттиқ қолдиқ яъни, магний оксиднинг ҳосил бўлиши билан тушунтирилади.


Диссертациянинг учинчи бобининг “Магний пальмитати, олеати ва стеаратининг бир қатор комплекс бирикмаларининг электрон структураси ва реакцион қобилиятининг тадқиқоти” номли олтинчи қисмида синтез қилинган магний пальмитати, олеати ва стеаратининг бир турли ҳамда аралаш амидли комплекс бирикмаларининг ҳосил бўлиш энергиялари, атомлари орасидаги боғларнинг узунлиги ва энергияси, юқори эгалланган ҳамда қуйи вакант молекуляр орбиталлар энергиялари ва координацион бирикма молекуласининг геометриясини аниқлаш мақсадида бажарилган квант-кимёвий ҳисоблашлар келтирилган.

Квант-кимёвий ҳисоблашлар хулосалари шуни кўрсатдики, синтез қилинган комплекс бирикмалардаги марказий атом билан боғланган C=O гуруҳидаги кислород, NC₅H₄ гуруҳидаги азот, C=S гуруҳидаги олтингугурт каби электронодонор атомларнинг боғ узунликлари уларнинг атом радиусларига боғлиқ ҳолда ортиб ёки камайиб боради (5-расм).




5-расм. Mg(R³COO)₂·2L²·4H₂O молекула атомлари орасидаги боғ узунликлар (яққол кўриниши учун водород атомлари акс эттирилмаган)

Синтез қилинган комплекс бирикмаларда марказий атом билан бириккан амидлар донор-акцептор механизм орқали ковалент боғланишлар ҳосил қилади. Ушбу ковалент боғланишлар донор атомлар (кислород, олтингугурт, азот)нинг ташқи валент энергетик қаватидаги тақсимланмаган электронлар ҳисобига амалга ошади. Бу эса марказий атомнинг нисбатан мусбат зарядини камайтиради (6-расм).



6-расм. Mg(R³COO)₂·2L²·4H₂O молекула атомларидаги зарядларнинг тақсимланиши (яққол кўриниши учун водород атомлари акс эттирилмаган)

Квант-кимёвий ҳисоблашлар орқали синтез қилинган айрим комплекс бирикмалар учун фазовий тузилишлар таклиф қилинган.



7-расм. $Mg(R^3COO)_2 \cdot 2L^2 \cdot 4H_2O$ комплекс бирикманинг фазовий тузилиши (якқол кўриниши учун водород атомлари акс эттирилмаган)

Квант-кимёвий ҳисоблашлар комплекс бирикмаларнинг юқори банд қилинган ва қуйи вакант молекуляр орбиталлари энергиялари орасидаги фарқ мусбат қийматли эканлиги уларнинг нуклеофиль реагентларга нисбатан сезгирлигини ҳамда карбоксилат гуруҳидаги кислород атоми орқали металллар билан комплекс бирикмалар ҳосил қилиши мумкинлигини билдиради (3-жадвал).

3-жадвал

$Mg(R^3COO)_2 \cdot 2L^2 \cdot 4H_2O$ комплекс бирикманинг оптималлаштирилган параметрлари

Комплекс бирикма	Ҳосил бўлиш иссиқлиги ккал/моль	ЮБМО	ҚВМО	$\Delta(\text{ҚВМО}-\text{ЮБМО})$
$Mg(R^3COO)_2 \cdot 2L^2 \cdot 4H_2O$	-631.2887350	-10.115780	-0.090195	10.0256

Диссертациянинг “Магнийнинг бир қатор комплекс бирикмаларининг агрокимёвий ва токсикологик тадқиқоти” номли тўртинчи бобда синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг биологик фаоллиги ўрганилган. Препаратлар ўсимликка 3 марта яъни, уруғларни экиш ҳамда ўсимликнинг шоналаш ва гуллаш даврларида ишлатилди. Уруғларни экиш даврида 0,002% ли, шоналаш ва гуллаш даврида эса 0,0002% ли эритмалардан фойдаланилди. Эталон сифатида Т-86 препарати қўлланилди.

Биологик фаоллиги ўрганилган комплекс бирикмалар орасидан $Mg(R^3COO)_2 \cdot 2L^4 \cdot 2H_2O$ таркибли стимулятор қўлланилганда энг юқори натижаларга эришилди. Ушбу полифункционал стимулятор билан ғўза чигити ва ўсимлигига ишлов берилганда чигитнинг униб чиқиши 3-5 кунга, пахтанинг очилиши эса 7-10 кунга тезлашиб, ҳосилдорлик 1,1 баробарга ортгани кузатилди (4-жадвал).

4-жадвал

Ўстирувчи стимуляторнинг пахтанинг ҳосилдорлигига таъсири

№	Вариантлар	Пахта массаси, г/1 идишдаги				Жами		
		1-терим	2-терим	3-терим	Жами	Кўсақлар сони, дона/идиш	Битта кўсақ оғирлиги, г/идиш	%
1	$N_{200}P_{140}K_{60}$ фон	50,84	38,38	25,08	114,3	20,75	5,51	100
2	$Mg(R^3COO)_2 \cdot 2L^4 \cdot 2H_2O$	67,72	48,34	19,16	135,22	21,25	6,36	118,3

Шу билан бирга ушбу бобда стимулятор сифатида тавсия этилган $Mg(R^3COO)_2 \cdot 2L^4 \cdot 2H_2O$ таркибли препаратнинг бошланғич токсикологик хусусиятлари келтирилган. Олинган натижалар ушбу стимуляторни бешинчи

синф захарли моддалар гуруҳига киришини яъни, захарлилик даражаси кам эканлигини қайд этди.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор 38 та магний карбоксилатларининг формамаид, ацетамаид, карбамаид, тиокарбамаид, нитрокарбамаид ва никотинамаид билан бир турли ва аралаш лигандли координацион бирикмалари синтез қилинди. Уларнинг таркиби, индивидуаллиги, пальмитин, олеин ва стеарин кислота анионлари ва алифатик, карбон, тиокарбон, пиридин карбон кислота амидларининг координацион боғлаланиши қайд қилинган.

2. Формамаид, ацетамаид, карбамаид, тиокарбамаид, нитрокарбамаид, никотинамаид ҳамда магний пальмитати, олеати ва стеаратларининг янги бир турли ва аралаш лигандли координацион бирикмаларининг дифрактограммаларидаги текисликлар орасидаги масофалар ва нисбий сезгирликларини солиштириш асосида, уларнинг дастлабки компонентлардан ва ўзаро бир-биридан фарқ қилиши аниқланди. Олинган натижалар, синтез қилинган координацион бирикмаларнинг индивидуал кристалл панжарага эга эканлигини тасдиқлади.

3. Барча синтез қилинган бирикмаларнинг ИҚ ютилиш спектрлари ($400-4000\text{ см}^{-1}$) ўрганилди. Формамаид, ацетамаид, карбамаид, нитрокарбамаидларнинг координацияланиши карбонил гуруҳидаги кислород орқали амалга ошади. Тиокарбамаид ва никотинамаидли комплексларда мос равишда координацияланиш олтингугурт ҳамда пиридин халқасидаги азот гетероатоми орқали бориши кузатилади. Пальмитат, олеат ва стеарат фрагментларининг координацион боғланиш табиати, марказий ионнинг геометрик конфигурациясига боғлиқ ҳолда ўзгариб, ҳар бир карбоксил гуруҳи иштирокида бидентат координацияни намоён қилади.

4. Квант–кимёвий ҳисоблаш усули орқали қуйидаги энергетик самарали бўлган координацион бирикмаларнинг тузилиши таҳлил қилинди: $\text{Mg}(\text{R}^1\text{COO})_2 \cdot 2\text{L}^4 \cdot \text{H}_2\text{O}$ (I-6), $\text{Mg}(\text{R}^2\text{COO})_2 \cdot 2\text{L}^2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ (II-2), $\text{Mg}(\text{R}^3\text{COO})_2 \cdot \text{L}^3 \cdot \text{L}^4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ (IV-6), $\text{Mg}(\text{R}^1\text{COO})_2 \cdot \text{L}^3 \cdot \text{L}^4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ (III-7). Координацион тугуннинг геометрик конфигурацияси характери, боғларнинг энергияси, атомларда зарядларнинг тақсимланиши, боғларнинг узунлиги, сув молекуласининг водород боғи табиати ва энергетик параметрлари аниқланган.

5. Барча синтез қилинган бирикмаларнинг термик барқарорлиги тадқиқ қилинди. Термик эффектлар, барча термолиз босқичлари оралиқлари, ҳарорат диапазони, массанинг камайиши, ҳосил бўлувчи маҳсулотлар таркиби ва табиати аниқланган. Олинган натижалар синтез қилинган бирикмаларнинг барқарор эканлигини кўрсатади.

6. Синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг биологик фаоллиги ўрганилиши натижасида ўсимликларни ўстирувчи ва ҳосилдорлигини оширувчи кам захарли $\text{Mg}(\text{R}^3\text{COO})_2 \cdot 2\text{L}^4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ таркибли стимулятор тавсия этилди.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ PhD28.062018.К.72.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХОЛМАТОВ ДИЛШОД СОТТОРЖОНОВИЧ

**КООРДИНАЦИОННЫЕ СОЕДИНЕНИЯ ПАЛЬМИТАТА, ОЛЕАТА И
СТЕАРАТА МАГНИЯ С АМИДАМИ**

02.00.01–Неорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара–2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высший аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.1.PhD/К99

Диссертация выполнена в Наманганском государственном университете

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице ученого совета по адресу ((www.buxdu.uz.) и информационно-просветительском портале «ZiyoNET» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель

Азизов Тохир Азизович
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Кадирова Шахноза Абдухалиловна
доктор химических наук, доцент

Хусенов Қахрамон Шойимович
кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация:

Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD28.062018.К.72.01 при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200117, Бухаре, ул. М.Иқбол 11. БухГУ, Тел.: (99865) 212-29-14; факс: (99865) 221-26-12, e-mail: bsu_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета за № ____, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (200117, Бухара, Библиотека БухГУ Тел.: ((+99865) 221-29-14).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года
Реестр протокола рассылки №__ от _____ 2019 года

Б.Б. Умаров
Председатель Научного совета
по присуждению ученой степени,
д.х.н., профессор

К.Г. Авезов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученой степени, PhD

М.Р. Амонов
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению ученой
степени, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире пригодные для посева сельскохозяйственных угодий составляет всего лишь 10 %. В результате сокращения природных ресурсов пригодных для посева, земли и воды, а также в результате непрерывного роста населения, из года в год увеличивается потребность на землю, воду и сельхозпродукты. В данное время имеет важное значение повышение урожайности имеющихся посевных площадей, для повышения продуктивности неплодородных земель, создание дешевых, получаемых из местного сырья, не оказывающие негативное воздействие на состав почвы, загрязнения окружающей среды и здоровья человека стимуляторов и их применения в сельском хозяйстве.

В мировом масштабе изыскание оптимальных методов синтеза биостимуляторов сельского хозяйства, изучение механизма их воздействия и условия их внедрения имеют следующие обоснования: развитие сельского хозяйства, достижение высокой эффективности и улучшение экономических показателей в этой сфере, синтезирование биологически активных комплексных соединений, ускоряющих рост растений и повышающих урожайность, внедрение на практику дешевых, простых и удобных методов синтеза комплексных соединений положительно влияющих на развитие растений, необходимость использования местного сырья для получения новых синтезированных комплексных соединений.

В сельском хозяйстве Республики уделяется большое внимание экономии водных ресурсов при выращивании хлопчатника, повышению ее урожайности, а также сокращению сроков раскрытия коробочек и тем самым удовлетворению потребностей разных отраслей экономики. В третьем направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены в качестве важнейшей задачи «дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий, использование высокопроизводительной сельскохозяйственной техники»². Следовательно, синтез экологически чистых, водосберегающих стимуляторов полифункционального действия и применение их на практике при выращивании хлопка, зерна и бахчевых культур, а также для увеличения урожайности имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харақатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Узбекистан», в Указе УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах» и Постановлении ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

